● Ўзбекистон ифтихорлари

# МИЛЛАТ МУВОЗАНАТИ

## ЁШ ЎЗБЕК ОЛИМИ БАХТИЁРЖОН ЭШМАТОВ ТОМОНИДАН МЕХАНИКА СОҲАСИДА ЯРАТИЛГАН КАШФИЁТЛАР ЖАҲОН ИЛМИЙ ЖАМОАТЧИЛИГИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

***Дунё деб аталмиш беқиёс тушунчанинг ўз темир талаблари, ўзгармас тамойиллари мавжуд. Шунингдек, жаҳон саҳнида мустақил давлат бўлиб туришнинг, миллат сифатида яшашнинг ҳам бузилмас қонун-қоидалари бор.***

***Урушда «Сен отмасанг, сени отадилар», деган ақида ҳукмронлик қилади. Тинч ҳаётда эса масала бошқача: яъни «Сен ривожланмасанг, тараққий қилмасанг, миллат бўлиб ўзлигингни намоён этмасанг, кимгадир қарам бўлишга мажбурсан». Қарамлик эса озодликнинг кушандасидир. Бу икки тушунча ҳеч қачон ёнма-ён тура олмайди. Бири кириб келган жойда иккинчисига ўрин йўқ.***

***Қарамликнинг йўллари жуда узун. Инсоният ақлини таниганидан бошлаб қулликка қарши курашган, озодликка интилиб яшаган. Қани энди фақат яхши кўриш билангина мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин бўлсайди. Тутқунликни фақат нафрат ила енгиб бўлганда эди, ер юзида қарам мамлакат ҳам, халқ ҳам қолмасди.***

***Бугун озод Ватанни, ҳур миллатни фақат чақириқлар билан юксалтириш мумкин эмас. Шитоб билан илгарилаб кетаётган замон шиддати олдида ҳар бир миллатнинг, мамлакатнинг ўз айтар сўзи бўлмоғи керак.***

***Эртадан кечгача Ватанни севаман, деб бақираётганлардан ҳеч қачон ватанпарвар чиқмаслигига, миллат куйчисиман, деб даъво қилаётганларнинг даъвоси пучлигига инсоният кўп бор ишонч ҳосил қилган. Бугун ҳаётнинг ўзи бизнинг олдимизга бошқа вазифаларни қўймоқда. Бугун дунё халқлари жаҳон айвонида бир-бирлари билан обрў талашмоқдалар. Турли соҳалар бўйича пойгаларга эрк бермоқдалар. Қайси миллат, қандай мамлакат бўлмасин битта ҳақиқат олдида бош эгишга мажбурдир. Яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам ортда қолиш хавфлидир. Жаҳон сиёсатини ўзгартириб юборишга қодир, дунё об-ҳавосини белгилай оладиган йирик давлатлар бўлинган дунёни яна қайта бўлиб олиш жазавасига тушган таҳликали XXI асрда миллат мувозанатини ҳар томонлама сақлаб қолиш ҳамиша муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораверади.***



Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида оддий бир ўзбек оиласи яшайди. Улар ташқи томондан одамлардан кўп ҳам фарқ қилмайди. Лекин халқимизга ибрат бўлгудеклик жиҳатлари талайгина. Оила бошлиғи Ҳасан Эшматов техника фанлари доктори, профессор. Шу кунгача 15 га яқин фан номзоди, бир неча фан доктори тайёрлаган. Китоблари, монография ва илмий мақолалари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам эътироф этилган. У умр йўлдоши ажойиб олима Тошбиби Норбобоева билан ҳаётнинг машаққатли йўлларини ишонч, садоқат билан босиб ўтмоқда.

Оиланинг тўнғич фарзанди **Бахтиёржон Эшматов** 1975 йилда туғилган. 25 ёшида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлган. Механикадаги долзарб мавзулардан бири бўлган флаттер ҳодисаси ҳақида олиб бораётган илмий тадқиқотлари қисқа вақт ичида ёш олимни бутун дунёга танитди. У флаттер ҳодисаси ва уни бартараф этиш борасидаги кузатишлари юзасидан 2005 йилда Новосибирскда ўтказилган халқаро илмий анжуманда маъруза қилди. Шундан сўнг ёш олимни Қозонга, Москвага таклиф этишди. У қўлга киритган ютуқлар жаҳон миқёсида тан олина бошланди. 2006 йилда Италиянинг Венеция шаҳрида бўлиб ўтган илмий конгрессдаги чиқиши Бахтиёрни янги-янги илм чўққиларини забт этишга руҳлантирди. Шундан сўнг АҚШдаги машҳур институтлардан бири — Массачусетсда бўлиб ўтган конференция иштирокчилари унинг изланишларини юқори баҳоладилар. Бахтиёр ушбу илмий анжуманнинг I даражали дипломи билан тақдирланди. Шу ернинг ўзида дунёнинг ўнлаб мамлакатларига таклифлар бўлди. У бир-икки йил давомида Бостон, Корнелл университетларида, Киевда, Алматида бўлиб ўтган халқаро анжуманлар иштирокчиси сифатида илмий жамоатчиликка танилди. Шунингдек, айни пайтгача олим томонидан яратилган йигирмага яқин илмий кашфиётлар жаҳондаги энг нуфузли «Товуш ва тебраниш» (Англия), «Акта механика» (Австрия), «Акустика ва тебраниш», «Чизиқсиз механика», «Чизиқсиз динамика» (АҚШ), «Амалий механика ва техник физика», «Қаттиқ жисмлар механикаси» (Россия), «Электрон моделлаштириш», «Амалий механика», «Мустаҳкамлик муаммолари» (Украина), «Амалий механика» (Хитой), «Композицион материаллар механикаси» (Латвия) каби журналларда эълон қилинди.



Certificate of Fellowship

The Third M.I.T. Conference on Computational Fluid and Solid Mechanics

confers upon

B. H. Eshmatov

The Young Researcher Fellowship Award for exemplary research in computational mechanics



FOR AUTHOR'S CORRECTION ONLY

Acta Mechanica

Non-linear vibration and dynamic stability of a viscoelastic cylindrical panel with concentrated mass

ScienceDirect

ELSEVIER

JOURNAL OF SOUND AND VIBRATION

Nonlinear vibrations and dynamic stability of viscoelastic orthotropic rectangular plates

Энг қувончли томони шундаки, Бахтиёржон Эшматов бугун нафақат юқоридаги журналларнинг фаол муаллифларидан бири, балки уларга жаҳоннинг турли мамлакатларидан юборилаётган мақолаларнинг эксперти, тақризчиси сифатида ҳам ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда.

— Ҳозирги кунда техника, самолётсозлик, ракета саноати ва космонавтика қурилишида энг замонавий полимер керамика ҳамда композицион материаллар ишлатилади. Улар шундай мураккаб хусусиятга эгаки, саноат ва техникада кўп қўлланилишига қарамасдан табиати, физик хусусияти, геометрик, математик таҳлили бугунги кунгача тўлиқ ўрганилмаган. Масалан, Японияда металлнинг ўрнига керамик материаллар ишлатилади. Бунинг асосий сабаби улар металлга нисбатан бир неча баробар мустаҳкам. Менинг изланишларим мана шу қовушқоқ эластик материалларни ҳар томонлама ўрганиш билан боғлиқ.

Самолётсозлик саноатида флаттер ҳодисаси деган атама бор. Агар самолёт парвоз пайти зич ҳаво оқимига дуч келиб қолса, фалокат юз беради. Бундай вазиятда самолёт учун ишлатиладиган композицион материалларнинг барча хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг критик тезлигини топиш муҳим аҳамиятга эга. Мен кузатишларимда мана шу ҳолатнинг бир неча муқобил ечимларини топишга ҳаракат қилдим. Хулосаларимни эса Массачусетс технология институтида қилган маърузамда илмий жамоатчиликка етказдим. Музокараларда сўзга чиққан АҚШ ракета-техника, космонавтика фани етакчиси Е.Довелл менинг ишларимга юқори баҳо берди ва конгрессда қилинган маърузаларнинг энг яхшиларидан бири деб эътироф этди.

Бир пайтлари инсоният велосипедни кашф этганда энг катта кашфиёт шу бўлса керак деб ўйлаган, лекин ҳаёт давом этаяпти. Вақтнинг ўзи фан-техника олдига янги-янги муаммоларни қўймоқда. Бу эса ўз навбатида жаҳон олимлари томонидан масалалар ечимларини тезкорлик билан ҳал этишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда россиялик, хитойлик, америкалик, европалик, япониялик механиклар томонидан жуда катта муаммолар ҳал этилмоқда. Мен ҳам отам раҳбарлигида композит материалларнинг физик, геометрик хусусиятларини ўрганиб, бу борада Ўзбекистонда ҳам етук мутахассислар борлигини жаҳонга кўрсатишга ҳаракат қилаяпман. Нокамтарлик бўлса ҳам айтай, бугун бизнинг илмий натижаларимиздан Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Россия каби давлатларда фойдаланилмоқда. Агар бу борада ўз олдимизга қўйган мақсадларга тўла эриша олсак, бу инсониятнинг фандаги энг катта ютуқларидан бири бўлади, — дейди Бахтиёржон.

Дунёга чиқишнинг ўзига хос машаққатлари бор. Жуда кўп соҳаларда бўлгани каби фанда ҳам монополиялар мавжуд. Мабодо, бирор янгиликка қўл урилса ҳам улар томонидан бўлиши керак. Аслида эса бундай қарашлар аллақачон ҳаёт ҳақиқатига зид бўлиб қолган. Буни биргина қаҳрамонимиз Бахтиёржон мисолида ҳам кўриш мумкин. Дастлаб унинг мақолаларини ҳатто қабул қилишдан бош тортган журналлар таҳририятлари бугун унинг ҳар бир тадқиқотини қизиқиш билан кутмоқда.

Илк конференциялардаги маърузаларига нописанд қараганлар уни турли олий ўқув юртларига конференция ва конгрессларга ўзлари чорламоқдалар. Соҳанинг катта олимлари Бахтиёржон Эшматов билан алоқа ўрнатишга интилишмоқда. Буни интернет орқали қаҳрамонимизга келаётган хатлар, таклифномалар, ишга таклифлар ҳам кўрсатиб турибди. Масалан, ҳиндистонлик олим, бугунги кунда Корнелл университетида фаолият кўрсатаётган дунёга таниқли механик С.Мухержининг Бахтиёржонга йўллаган мактубларини кўрсатиш мумкин. С.Мухержи жуда катта мактаб яратган олим. Халқаро журналлар таҳрир ҳайъати аъзоси. Бир қатор халқаро конференциялар ташкилотчиси. Ҳиндистонлик олим бугун у билан ҳамкорликда бир неча мақолалар тайёрлади ва чоп эттирди. У билан ўрнатилган яқинлик ўзида мамнуният уйғотишини ҳам алоҳида таъкидлади. Шунингдек, бугун Бахтиёржоннинг изланишларига америкалик яна бир олим Ричард Ранд ҳам қизиқмоқда.

Украиналик йирик олим А.Верлань Бахтиёржон Эшматов билан яқин илмий алоқа ўрнатиб, ҳамкорликда бир қатор мақолалар эълон қилди.

Яқинда Бахтиёржон Эшматов томонидан тайёрланган докторлик диссертацияси россиялик йирик механик олим В.Потаповнинг илмий семинарида муҳокама қилинди. Семинар қатнашчилари ёш олимнинг ракета техникаси ва космонавтикада энг долзарб ҳисобланган қовушқоқ эластик конструкцияларнинг тебраниши ва турғунлиги масалаларига оид докторлик ишини юқори баҳолади. Шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатлар механик олимлари томонидан ҳам Бахтиёржоннинг ишлари эътироф этилди. Яқинда Жанубий Кореядаги энг машҳур олий ўқув юртларидан бири — Ханян университети Бахтиёржон Эшматовни ҳамкорликда ишлашга таклиф этди.

Бугун илмнинг ғоят масъулиятли йўлларида дадил бораётган ёш истеъдод соҳибининг эришган ютуқлари ҳамюртларимизда фахр ҳиссини уйғотади. Ҳавас ва ҳайрат эса ўнлаб, юзлаб издошларни камолга етказади. Шу ўринда Эшматовлар сулоласининг яна икки вакили ҳақида газетхонларимизга қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Ўртанча ўғил — **Фарҳоджон Эшматов** 1976 йилда туғилган. ЎзМУнинг механика-математика факультетида таълим олган. Айни пайтда АҚШдаги Корнелл университети докторанти. 2001-2005 йилларда истеъдодли ёш олимлар ўртасида таъсис этилган мукофот совриндори. Унинг Ли алгебрасига оид илмий ишлари халқаро миқёсда таниқли олимлар томонидан юқори баҳоланган. Шу кунгача у Канада, Англия, Франция, Италия, Хитой, Германия каби мамлакатларда ўтказилган халқаро конференция ва конгрессларда иштирок этган. Унинг ўндан ортиқ мақолалари жаҳоннинг энг нуфузли журналларида чоп этилган. У яқинда Буюк Британиядаги Эдинбург, Глазго, Кембриж университетларида маъруза қилди. Шундан сўнг Фарҳоджонни Франциянинг Париж, Хитойнинг Шанхай шаҳарларига таклиф этишди.

Кенжатой — **Олимжон Эшматов** 1983 йилда туғилган. ЎзМУнинг механика-математика факультетини тамомлаган. Президент стипендияси совриндори. 2004 йилда у жаҳондаги 10 та энг йирик университетларга интернет орқали имтиҳон топшириб, бир вақтда барчасига қабул қилинди. Олимжон 2 йилга мўлжалланган магистратура таълимини 1 йилда муддатидан олдин муваффақиятли якунлади. Айни вақтда Корнелл университети докторанти. Ўтган йили Канаданинг Калгари шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда қилган маърузаси йирик математик олимлар томонидан алгебраик-геометрия фанига қўшилган салмоқли ҳисса сифатида юқори баҳоланди. У 2006 йил илмий тадқиқот ишларининг натижалари бўйича иқтидорли ёшларга бериладиган Корнелл университетининг пул мукофотига сазовор бўлди. Олимжон 2007 йил апрель ойида Германиядаги Гёттинген университетида ўтказиладиган математикларнинг бутунжаҳон конгрессида нокоммутатив алгебранинг янги фазосига оид масалаларга бағишланган маъруза билан иштирок этади.

— Ҳар учала фарзандимнинг эришаётган муваффақиятлари замирида мустақиллигимиз берган буюк имкониятлар, Президентимизнинг ёшларга беқиёс ғамхўрлиги мужассамлашган, — дейди профессор Ҳасан Эшматов. — Мен болаларимда ўз касбимга, фанга, китобга меҳр уйғотдим. Туғилгандан бошлаб то бугунги кунгача уларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати назоратимда бўлди. Ўғилларимга ҳалол ризқ едиришга ҳаракат қилдим. Улар илк таҳсил олган Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети профессор-ўқитувчиларидан бир умр миннатдорман.

Мен бугунги ёшларимизнинг математика соҳасида эришаётган ютуқларидан ажабланмайман, буни табиий ҳол деб қабул қиламан. Сабаби ким эътироф қилади, кимдир қилмайди дунёга буюк математикларни берган французлар, немислар қаторида ўзбек халқининг ҳам номи тилга олинади. Ҳамма замонларда ҳам ўзбек халқи жаҳон цивилизациясига ўз улушини қўшиб келган. Бу ҳисса ҳеч қачон ўзга халқларникидан кам бўлмаган. Балки баъзи ўринларда бутун дунёга ўрнак, ибрат мактаби сифатида ўз ижобий таъсирини ўтказган. Бизнинг мана шу заминимизда илк бор математика фанига асос солинганлиги тарихий ҳақиқатдир. Кўп узоққа бормайлик: Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддиновларнинг қилган ишлари бутун дунёда тан олинади. Уларнинг давомчилари бўлган академиклар Восил Қобулов, Шавкат Аюпов, Шавкат Алимов, Турсун Азларов, профессорлар Наби Ғанихўжаев, Владимир Чилинлар халқаро миқёсдаги таниқли математик олимлар ҳисобланади.

Шу ўринда бир воқеани айтиб берай. Корнелл университетида алгоритимизация бўйича йирик форум ўтказилибди. Шунда америкалик таниқли алломалардан бири «алгебра фанига илк бор араб олими Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий томонидан асос солингани» ҳақида гапирибди. Муҳокамада сўзга чиққан Фарҳоджон эса Хоразмий араб эмас, балки ўзбек олими эканлигини таъкидлабди. Буюк ватандошимизнинг математиканинг бошқа йўналишларидаги хизматлари ҳақида ҳам тўхталиб, жумладан, квадрат, кубик тенгламалар ечимлари ҳам Хоразмийга тегишли эканлигини форум иштирокчиларига тушунтириб берибди. Шу воқеани эшитиб, кўзимдан ёш чиқиб кетди, қаттиқ таъсирландим. Ўғилларимга фақат математикани эмас, балки Ватанни, Миллатни севишни ҳам ўргатганимдан қалбимда фахр уйғонди.

Донишмандлардан бири айтган экан: *«Аввалига биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади»*.

Юртбошимиз ўз чиқишларидан бирида шундай деган эдилар: *«Мен олдин ҳам айтган ва ҳозир қалбимда ҳис қилаётган туйғуларни халқимнинг олдида, юртдошларимнинг юзига қараб, очиқ айтишим лозим: мен халқимнинг озодлиги, юртимнинг мустақиллиги учун, керак бўлса, жонимни бераман, лекин ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди»*. Бунинг учун эса қайси соҳада бўлишдан қатъи назар, миллат мувозанатини сақлай олмоғимиз зарур.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

**Суратларда:** *Бахтиёржон отаси профессор Ҳасан Эшматов билан; АҚШдаги Массачусетс институтида бўлиб ўтган конференцияда берилган I даражали диплом ва халқаро журналларда эълон қилинган мақолалар.*

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

● ЎзХДП вилоят кенгашларида

# ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ ИМКОНИЯТЛАР

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 98-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилиши муносабати билан ЎзХДП Марказий Кенгаши V пленуми қарорларидан келиб чиқадиган Сурхондарё вилоят партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.***

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят кенгаши раиси Ҳ.Эрматов сўзга чиқди. Маърузачи пленум иштирокчилари эътиборини мазкур қонунлар лойиҳаларидан электоратни яхшироқ хабардор этиш лозимлигига қаратди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққан партия фаоллари ушбу қонунлар лойиҳалари ниҳоятда муҳим эканлигини, улар давлат бошқарувини янада демократлаштиришда мавжуд сиёсий партияларнинг ролини кучайтириб, уларга катта ҳуқуқий ваколатлар беришини таъкидладилар.

**А.Аҳмедов, вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Мамлакатимизда давлат бошқарувини янгилаш ҳамда демократлаштиришда бу қонунлар лойиҳаларининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу қонунлар лойиҳалари мазмун-моҳиятини тарғиб этиш масаласига масъулият билан ёндашмоғимиз, бу борада партия кенгашлари, депутатлик гуруҳларининг фаоллигини оширишга эришмоғимиз даркор.

**П.Мустапов, Музработ агросервис касб-ҳунар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Президентимиз томонидан таклиф этилган қонун лойиҳалари давлат бошқаруви тизимини янгилаш ва янада демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган. Бу барчамизга билдирилаётган катта ишонч ва айни дамда масъулиятдир. Қонун лойиҳаларида илгари сурилган ғояларни халқимиз, ҳар бир фуқаро онгига етказишда партия етакчилари, партия фаоллари жамоатчилик вакиллари билан ҳаракат қилмоқ керак ва шундагина кўзланган муддаоларга эришишимиз мумкин.

Пленумда кўрилган масалаларнинг бажарилиши юзасидан аниқ йўналишлар белгиланди. Миллий ғоя ташвиқоти ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, сиёсий ўқувлар бўйича семинарлар ташкил этиш юзасидан келишиб олинди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП МК раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Н.Каримов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● Танлов

# «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2006»

***Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Келажак овози — 2006» танловининг республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими олдидан оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.***

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларига тобора катта эътибор бериб келинмоқда. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳам бу борада хайрли тадбирларни ўтказиб келаётир. Хусусан, жамғарма томонидан юртимиздаги иқтидорларни кашф этиш, уларни рағбатлантириш мақсадида турли хил кўрик-танловлар, фестиваллар, таълим грантлари ҳамда стипендияларни таъсис этган.

Ушбу тадбирлардан бири — «Келажак овози» республика ёшлар танлови «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда илк бор 2005 йилда ўтказилган эди. Ўшанда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларда бўлиб ўтган саралаш босқичларида 15-25 ёш оралиғидаги 3187 нафар йигит-қиз иштирок этганди. Бу йил эса ушбу кўрсаткич 10 мингга яқинни ташкил этди. Бу эса «Келажак овози» ёшларимиз орасида тобора оммалашиб, нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2006 йил март ойида «Келажак овози» лойиҳасига миллий мақом берилди, унинг ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган барча бирлашма ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми ишлаб чиқилди.

— Шу йилнинг сентябрь ойида танловнинг вилоятларда саралаш босқичлари бўлиб ўтди, — дейди **«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ижрочи директори Баҳодир Шарофов.** — «Бадиий ва амалий санъат», «Ахборот ва коммуникация технологиялари», «Рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа», «Бадиий ижод» ҳамда «Архитектура ва дизайн» номинациялари бўйича 280 нафар ёш республика босқичига йўлланма олди. Уларнинг ишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб, 40 нафари мутлақ ғолиб деб топилди. 2007 йилдан бошлаб эса мамлакатимизнинг чекка-чекка қишлоқларида истиқомат қилувчи иқтидорли ёшларни излаб топиб, танловга жалб қилиш ниятидамиз.

Яқинда «Келажак овози» жамоатчилик кенгаши танловнинг ҳар бир йўналиши бўйича ғолибларни йил давомида қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқди. Эндиликда мазкур дастурга мувофиқ улар учун махсус семинар-тренинглар, ўқув курслари ташкил қилинади, республика ва халқаро миқёсдаги танлов, фестивалларда қатнашмоқчи бўлганлар қўллаб-қувватланади, мутахассислиги бўйича ўқув юртларига киришда тавсияномалар берилади.

Бугун эса «Халқлар дўстлиги» саройида миллий эстрада юлдузлари, илм-фан, маданият ва санъат намояндалари иштирокида «Келажак овози — 2006» танловининг финал босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

**Маъмуржон ПАРПИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# ЭЪТИРОФ

**«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинди**

Бу мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган, халқимизнинг тинч ва осойишта турмуш кечириши, барча соҳаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларимизга, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига раҳна солувчи хавф хатарларни олдини олишдек шарафли ишни ўзларига касб қилган ички ишлар идоралари ходимларининг меҳнатини эътироф этиш, маънавий рағбатлантириш бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, истиқлолга эришганимиздан сўнг, энг аввало, собиқ иттифоққа тўғридан-тўғри бўйсунадиган вазирликларни республикамиз ҳудудидаги ҳуқуқий мақомини бекор қилиш ва Ўзбекистон деб аталмиш янги мустақил давлат таркибига олиш тўғрисидаги қатор қарорлар қабул қилинган эди. Улардан бири 1991 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги 270-сонли қарордир. Бу қарор асосида мустақил Ўзбекистон давлатининг биринчилардан бўлиб ҳуқуқтартибот органини расман ташкил этилганлигини кўпчилик яхши билади.

Шуни очиқ айтиш керак, мустақилликнинг дастлабки йилларида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқаролар хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлаш осон кечмади. Дастлаб Наманганда, сўнгра Фарғонада, кейинчалик эса Тошкент вилоятининг Бўка ва Паркент туманларида рўй берган воқеалар ички ишлар идоралари ходимларини жиддий синовдан ўтказди. Ушбу ҳуқуқбузарликлар ва тартибсизликлар чоғида ички ишлар идоралари ходимларининг баъзи бирлари ҳалок бўлди.

Биз яна шуни яхши биламизки, ўз тақдири, фарзандлари келажагини тинч йўл билан бунёд этаётган халқимизнинг йўлига ғов бўлиб, унинг танлаган йўлидан қайтаришга бўлган уринишлар, «аср вабоси» деб ном олган террористик хуружлардан қанчадан-қанча ўзбек оилалари жафо чеккани, афсуски ҳақиқат. Сарҳадларимиз даҳлсизлигини бузиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг қўпорувчилик ҳаракатларини, халқимизнинг тинч ҳаётини безовта қилганини, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлганини эсдан чиқариб бўлмайди. Халқимиз тинчлигига хавф солган бундай нохушликларни бартараф этишда ички ишлар ходимларининг хизматини бугун биз ҳақли равишда эътироф этамиз.

Мустақиллик йилларида ички ишлар тизимида катта ислоҳотлар ўтказилгани барчага маълум. Ички ишлар идораларининг вазифалари, ташкилий тузилиши деярли қайта кўриб чиқилди. Улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари тубдан янгиланди. 2001 йил 27 мартда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Ички ишлар вазирлиги ва идоралари фаолиятини тубдан яхшилашга асос бўлди. Чунки, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор муҳим қарорлари қабул қилинди.

Шу ўринда нима учун, айнан 25 октябрь Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгиланди, деган савол туғилиши мумкин.

Биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли қарори айнан, 1991 йил 25 октябрда қабул қилинган. Демак, бу сана Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расман ташкил топганлиги билан боғлиқ. Шунингдек, мазкур қарор билан ИИВ ҳақидаги низом тасдиқланган. Низомда эса, ички ишлар идораларининг ҳуқуқий мақоми, таркибий тузилиши, вазифалари белгилаб берилган. 25 октябрь куни Ўзбекистон Ички ишлар идоралари нафақат ташкил топган, балки, унинг ҳуқуқий мақоми юридик жиҳатдан мустаҳкамланган кун ҳисобланади.

Қолаверса, ички ишлар идоралари ходимлари кунининг белгиланиши нафақат мазкур соҳа вакиллари ёки уларнинг оила аъзолари учун, балки бутун халқимиз учун чуқур аҳамият ва мазмун касб этади. Халқ осойишталиги йўлида хизмат қилаётган бу соҳа вакилларининг ўз касбларига муҳаббатини оширади. Ўз вазифаларини бажаришда бошқаларга ўрнак, мардлик ва жасорат кўрсатишга ундайди. Хизмат вазифасини бажариш давомида ҳалок бўлганлар хотирасини эслаш, уларнинг оила аъзолари ва яқинларини руҳан қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтиради. Касб байрами муносабати билан турли сиёсий, маданий тадбирлар ўтказиш, улар орқали эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларни кенг тарғиб қилишга шароит яратилади. Ички ишлар идоралари билан жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқалари янада мустаҳкамланади.

Ўйлаймизки, 25 октябрь кунини — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами сифатида белгиланиши нафақат ушбу касб эгалари ва уларнинг оила аъзоларини, балки бутун жамоатчилигимизнинг кўнглидаги истакнинг рўёбга чиқиши бўлди.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси**

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП:
## воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**Самарқанд шаҳар кенгаши** Самарқанд давлат чет тиллар институти билан ҳамкорликда «Бош Қомус — ҳаётимиз ҳуқуқий пойдевори» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Унда сиёсий партияларнинг бугун жамиятимизда тутаётган ўрни, Президентимиз томонидан Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Олийгоҳ профессори З.Рауպованинг «Бош Қомус — ҳаётимиз пойдевори» мавзуидаги маърузаси йиғилганлар диққат-эътиборини тортди. Шундан сўнг сўзга чиққан ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Д.Имомова ЎзХДПнинг мақсад ва вазифалари, «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

✧✧✧

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши** «Истиқбол» ёшлар қаноти «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Кенгаши билан ҳамкорликда талаба-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида баҳс-мунозара кечасини ўтказди.

Унда шаҳарчада истиқомат қилувчи талабалар иштирок этишди. Мунозара ёшларнинг ўзаро фикр алмашувлари, интерактив ўйинлар асосида ўтди.

✧✧✧

Тошлоқ марказий шифохонаси ва **ХДП Тошлоқ туман кенгаши** ҳамкорлигида «Авлодлар учрашуви» кечаси ўтказилди. Кечага кўп йиллар давомида туман халқига малакали тиббий хизмат кўрсатган, айни дамда қарилик гаштини сураётган кекса шифокорлар, мураббийлар, ҳозирда меҳнат қилаётган авлод вакиллари ҳамда яқинда иш бошлаган ёш врачлар иштирок этишди.

Кечада 85 ёшни қаршилаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, кўп йиллар турли шифо масканларида бош врач бўлиб ишлаган И.Холматов, фахрий шифокорлар С.Саидмусаев, Н.Шералиев, Н.Собировлар ёш врачларга ўз ҳаётий ва шифокорлик тажрибалари, бу касбнинг машаққатлари ва шарафли жиҳатлари ҳақида сўзладилар, ёшларга ўз насиҳатларини бердилар. ХДП вакиллари эса партиянинг тиббиёт соҳасига оид сиёсати, соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш борасидаги кўтараётган масалалари ҳақида тўхталдилар.

✧✧✧

Тошкент молия институтида «Жамият ҳаётини модернизациялаш шароитида сиёсат, қонун ва демократия бирлиги» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП фаоллари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этдилар.

Конференцияда миллий давлатчилик анъаналари ва сиёсий ислоҳотлар, Ўзбекистонда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли, ЎзХДПнинг жамият ҳаётини янада демократлаштиришдаги ролини ошириш масалалари, ЎзХДПнинг сўл сиёсий платформаси ва ижтимоий адолат масаласи мавзуларида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш.Абдуллаева, Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Г.Аннақличева, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг кафедра мудири, профессор И.Эргашев ва бошқалар маъруза қилдилар.

**«Ўзбекистон овози» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

XORIJDA

## ЎҚУВЧИЛАР ЎҒИРЛАНДИ

*«Тамил Илам озодлик йўлбарслари» қўзғолончилар ҳаракатининг жангарилари Шри-Ланка шарқидаги мактаблардан биридан 24 нафар ўқувчини ўғирлаб кетишганини мамлакат армияси вакиллари маълум қилди. Ўғирланганларнинг кўпчилиги ўсмир қизлардир.*

*Уларнинг ота-оналари жангарилар назорати остидаги ҳудудга бориб, болаларини қайтаришлари учун улар билан музокаралар олиб бормоқда.*

*Армия вакилининг айтишича, жангарилар болаларни ўғирлаб, жанговар ҳаракатларда иштирок этишга мажбурламоқдалар.*

*«Тамил Илам озодлик йўлбарслари» Шри-Ланканинг шимол ва шарқида яшовчи 2,5 миллионлик тамилларнинг озодлиги учун 1972 йилдан буён сингалларга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бормоқдалар. Шу давр мобайнида 60 мингдан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмган.*

## САЙЛОВ 9 МАРТДА ЭМАС, БАЛКИ...

*Россия Федерациясида президент сайлови интернет сайтларида аввал хабар қилинганидек, 2008 йил 9 мартда эмас, балки 2 мартда бўлиб ўтади. Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков бу ҳақда маълум қилди.*

*Тўғри, у аввал сайлов мартнинг иккинчи якшанбасида ўтказилишини айтган эди. Бироқ қонунда ёзилишича, агар байрамдан бир кун аввал ёки бир кун кейинга тўғри келадиган бўлса, сайлов бир ҳафта олдин ўтказилиши қайд этилган. Шунга кўра, сайлов кунини ўзгартиришга тўғри келди, дея хабар беради Россия телевидениесининг Биринчи канали.*

●●●

*Ушбу ахборот ҳам Россия билан боғлиқ.*

*Мамлакат Федерал хавфсизлик хизмати директори Николай Патрушевнинг маълум қилишича, дейилади «Новости» хабарида, Россия – Грузия чегарасининг Шимолий Кавказ участкасида 400 дан ортиқ қўшимча сайёр-кузатув-маневр постлари ташкил этилди. Мақсад: турли жиноий гуруҳларнинг чегарадан суқилиб киришига йўл қўймаслик.*



## ҲУКУМАТ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

*Қирғизистон бош вазири Феликс Қуловнинг маълум қилишича, республика президенти Курманбек Бакиев 2005 йил сентябрда шакллантирилган амалдаги ҳукуматнинг тўлиқ таркибдаги истеъфосини қабул қилди, дейилади «24 kg» ахборот агентлиги хабарида.*

*Бош вазир матбуот котиби Азамат Калманнинг айтишича, ўн нафар депутат ва президент маъмурияти томонидан Бакиев номига ёзилган (ҳукумат истеъфоси талаб қилинган) хат ҳукуматнинг истеъфо беришига сабаб бўлди. Хатда ёзилишича, шу йил ноябрда мухолифатнинг норозилик намойишлари ва талабларидан сўнг қабул қилинган мамлакатнинг янги Конституциясига кўра, ҳукуматни парламент сайловларида ғолиб чиққан партия шакллантириши лозим. Шундай экан, демак, парламент ҳам тарқатиб юборилиши керак, дейишмоқда вазирлар. Негаки, ҳозир фаолият кўрсатаётган парламент икки йил аввал можаритар тарзда сайланган.*

*Янги Конституцияда парламент аъзолари 90 та бўлиши кераклиги ёзилган, ҳозирги таркиб эса 75 та. Бундан ташқари, бош вазирнинг таъкидлашича, парламент айрим қарорларни кворум йиғилмаган ҳолдаям қабул қилмоқда. Бу эса Конституциявий суд томонидан ноқонуний деб топилиб, қайтарилиши мумкин. Шунинг учун ҳам вазирлар парламент депутатларини улардан ўрнак олишга чақирди. Парламент эса ўзини тарқатиб юборолмайди, негаки, спикер Марат Султонов ҳозир Белорусияда расмий сафарда. У бугун республикага қайтади. Воқеалар ривожи қай йўсин давом этади, буни вақт кўрсатади.*

*Яна шуни айтиш кераки, мамлакатда парламент сайловлари 2009 йили бўлиши керак. Қисқаси, республикада сиёсий вазият яна таранглашиб бормоқда.*

*Дарвоқе, президент фармойишига кўра, янги ҳукумат таркиби шакллангунга қадар амалдаги ҳукумат ўз вазифасини бажариб туради.*

## ИККИНЧИ АВИАБАРДОРНИ ЖЎНАТМОҚЧИ

АҚШ Мудофаа вазирлиги — Пентагон Форс кўрфазига иккинчи авиабардорни жўнатишни режага киритди. Американинг «CBS» телеканали хабар беришича, авиабардорни жўнатишдан мақсад, ўзининг ядро дастурини «музлатиш»ни хоҳламаган Эронга «босим» ўтказишдир.

Авиабардор шу йил декбарда Форс кўрфазида фаолият бошлаган, худди ўзига ўхшаган «Дуайт Эйзенхауэр» авиабардори билан бирга иш олиб боради. Бу авиабардорда 9 та авиация эскадриляси мавжуд бўлиб, ҳаво ҳужумига қарши 20 мм.лик тезотар пушка ва ракета билан жиҳозланган. Экипажи 5 минг кишилик. Ҳаво эскадриляси душман самолётларини, кемаларини, сувости кемаларини ҳамда қуруқликдаги нишонни йўқ қилишга, миналаштирилган тўсиқлар барпо этишга мўлжалланган.

«Navy Times» ҳарбий журналида ёзишларича, «Дуайт Эйзенхауэр» шу йил декабрь ойидан буён Ироқдаги Америка қўшинини қўллаб-қувватлаш миссиясини бажармоқда. У шу турдаги «Рональд Рейган» авиабардорининг ўрнига келган. «Рональд Рейган» авиабардори ўтган ойда эронликлар томонидан «шартли равишда йўқ қилинган».



Гап шундаки, «IslamNews» хабарига қараганда, ноябрь ойи ўрталарида Эроннинг учувчисиз разведкачи-самолёти ушбу авиабардорни ўзига билдирмай Форс кўрфазида кўплаб суратга туширган. Бу кадрлар эса Эрон телевидениеси орқали намойиш этилган. Айнан суратга олиш воқелигини эса Пентагон Эроннинг «провакация»си дея баҳоламоқда. Шунинг учун бундай «фитна»ларга қарши авиабардор жўнатишга қарор қилинганлигини айтмоқда.

## ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

*Триполи суди болгариялик беш нафар ҳамширани ва фаластинлик бир шифокорни отувга ҳукм қилди. Улар 1998 йили 426 нафар (шундан 52 нафари ҳаётдан кўз юмган, қолгани Европа давлатларида муттасил даволанмоқда) ливиялик ёш болаларга ОИТС вирусини юқтирганликда айбланмоқда. Лекин жабрланувчилар ўзларига қўйилган айбни инкор этмоқдалар, улар Бенгазидаги «Ал-Фатих» касалхонасида (улар шу шифохонада шартнома асосида фаолият кўрсатишарди) гигиена қоидаларига амал қилинмагани учун вирус тарқалган, деган фикрда, айбни қийноқлар остида бўйниларига олганликларини айтмоқдалар, дейилади «CNN» хабарида.*



*Аслида суд уларни 2004 йилда ўлимга ҳукм этган эди. Бироқ бу можарога Европа ҳамжамияти аралашгани ва тергов-суриштирув жараёнларида камчиликларга йўл қўйилгани боис Ливия Олий суди ишни қайта кўриб чиқиш учун қайтарган эди.*

*Жабрланувчилар бу гал ҳам Олий судга даъво аризаси беришлари мумкин. Уларнинг адвокати Отман Бизантининг айтишича, Ливия қонунчилигига кўра, Олий суд бу ишни 60 кун мобайнида кўриб чиқади.*

*Дарвоқе, аввалги суд жараёни бошланганда Ливия раҳбарияти агар Болгария ўз ҳамшираларини қилмиши учун Ливияга 5,5 миллиард доллар товон пули тўласа, озод этишини маълум қилган эди. Бироқ расмий София ўз фуқаролари гуноҳсиз эканлигини уқтириб, тўловни рад этган.*

## ТАМАКИ РЕКЛАМАСИ ТАҚИҚЛАНДИ

*Германия Федератив Республикасининг юқори палата – Бундестрати тамаки маҳсулотлари рекламасини тақиқловчи қонунни тасдиқлади. Бу қонун аввалроқ қуйи палата – Бундестаг томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган. Шу ой охиридан кучга кирувчи ушбу қонунга кўра, эндиликда сигарет маҳсулотларини газета ва журналларда, радио ва телевидениеда, шунингдек, интернетда, кўчаларда, спорт мусобақаларида, кинода реклама қилиш тақиқланади. 1974 йилда қабул қилинган аввалги қонунда эса фақат радио билан телевидениедагина реклама тадбирларини ўтказиш мумкин эмасди, дейилади «Express» хабарида.*

*Яна бир эслатма: маълумотларда қайд этилишича, Германия аъзо бўлган Европа Иттифоқида тамаки чекиш билан боғлиқ касалликлар боис ҳар йили 6,5 миллион киши дунёдан кўз юмади.*

## КОЛЛЕЖНИНГ МЕҲМОНХОНАСИ БЎЛАДИ

Янги замон билим масканлари бўлган касб-ҳунар коллежларида таълимни амалиёт билан уйғун ҳолда олиб боришнинг самарадорлиги тажрибадан маълум. Шундан келиб чиқиб, Хоразм туризм коллежи негизида меҳмонхона бунёд этишга киришилди. Уч юлдузли меҳмонхона қошида мўъжазгина ресторан ҳам бўлиб, улар қуриб битказилгач, талабаларга амалий машғулотлар ўтказиш учун муҳим база вазифасини ўтайди.

Бугун мазкур коллежда тўрт юз нафарга яқин ёшлар туризм соҳасида сайёҳларга намунали хизмат кўрсатишнинг жаҳоний андазалари бўйича касб-ҳунар ўрганишмоқда.

Янги меҳмонхона қурилишига олтмиш миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу ерда «Хоразмқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари қурилиш ишларини бажаришмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, коллежнинг қадим Хива шаҳрига олиб борувчи шоҳ кўча устида жойлашгани келгусида мазкур меҳмонхонанинг тараққий этишига ҳамда бу ерда қадим қалъани кўришга келаётган юзлаб сайёҳларга хизмат кўрсатишга қулайлик яратади.

**Рўзимбой ҲАСАН**

● Ота-оналар диққатига!

# БАЙРАМ ОҚШОМИДА

## ТАШВИШГА ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ БОЛАЛАРГА ХАВФЛИ «ЎЙИНЧОҚ»ЛАРНИ СОВҒА ҚИЛМАНГ

Шу кунларда ҳамма янги йил байрамига тайёргарлик кўрмоқда. Табиийки бундай пайтда ота-оналар фарзандларига совғалар харид қилади.

Афсуски, айрим ота-оналар болаларига хорижда ишлаб чиқарилган, мамлакатимизга ноқонуний йўллар билан кириб келган протехника воситалари (паққиллаб отиладиган «ўйинчоқ»)ларни совға қилишади.

Қарабсизки, янги йил оқшомида асаббузарликлар бошланади. Қасур-қусур, пақ-пақ овозлари тонг отгунча эшитилиб туради. Бундай «ўйинчоқ»лар билан ўйнаш кўнгилсизликларга ҳам олиб келмоқда. Бундай «ўйинчоқ»лар билан эҳтиётсизлик ёки нотўғри фойдаланиш оқибатида болалар оғир жароҳатлар олишмоқда. Тўғри, божхона хизмати ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳамкорликда қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Аммо, мўмай пул илинжида иш тутаётган айрим кимсалар бундай матоҳларни турли ҳийлалар билан чегарадан олиб ўтишга уринишмоқда.

Сирдарё вилояти божхона ходимлари Тошкентдан Сурхондарёга кетаётган Т.Хайитов бошқарувидаги «Мерседес-Бенц» русумли автобусни тўхтатиб, текширувдан ўтказишди. Автобус юкхонасида бир неча фуқароларга тегишли бўлган қиймати 20 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар орасида, юртимизга ноқонуний олиб кирилган, оғирлиги 295 килограмм, қарийб 700 минг дона ҳар хил турдаги пиротехника воситалари борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Шунингдек, сирдарёлик божхоначилар Ҳ. Бобомуродов бошқарувидаги «Икарус-25059» русумли автобусни тўхтатганларида унинг юкхонасидан фуқаро Ш.Саломовага тегишли нархи 1,5 миллион сўмлик 143 минг 400 дона пиротехника воситалари ва 3 минг 700 дона мушак отадиган «ўйинчоқ»лар олиб қўйилди.

Навоий вилоятидаги «Боймурод» ҳаракатдаги божхона пости ходимлари «ВАЗ-2121» русумли автоуловни тўхтатиб текширганларида унда фуқаролар Б.Ибрагимов ва А.Тўраевларга тегишли 73 200 дона «Трения» пиротехника воситалари борлиги ошкор бўлди.



Вилоят божхоначиларида Томди тумани ҳудудидаги айланма йўлда ҳаракатланаётган Н.Ҳожиев бошқарувидаги «Москвич-412» русумли автоулов ҳам шубҳа уйғотади. Текширув чоғида 10 минг 200 дона пиротехника воситалари ноқонуний равишда қайта сотиш мақсадида олиб келинаётгани аниқланди.

Умуман олганда, соҳа ходимлари жорий йилнинг шу кунига қадар жами 75 та ҳолатда оғирлиги 2,5 тонна ёки янада аниқроқ қилиб айтганда 2 миллион донага яқин пиротехника маҳсулотларининг юртимизга ноқонуний кириб келишининг олдини олишди.

Агарда ушбу матохлар тарқатилганида борми, қанчалаб болалар жароҳатланарди, ота-оналар жабр чекарди, байрам оқшомида оила бошига шодлик ўрнига ташвиш тушарди. Ҳар бир ота-она, ака ёки опа бундан тўғри хулоса чиқаради деб умид қиламиз.

**Нурбек САЛОМОВ,**
**ДБҚ Матбуот хизмати ходими**



# СЕВИНЧ — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Мустақиллик ҳозирги ёш авлод, фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам руҳан етук камол топиши учун мавжуд шарт-шароитларни яратиб берди, бу борада барча имконият эшикларини кенг очди. Ўғил-қизларимиз спорт, адабиёт ва санъат, илм-фан соҳалари бўйича ўз иқтидори, салоҳиятини намойиш этишмоқда. Уларнинг ноёб истеъдоди дунёни ҳайратга солаяпти. Озод Ўзбекистон фарзандлари довруғи жаҳон бўйлаб таралмоқда.

Куни кеча яна бир хушхабар олдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Барқарор тараққиёт таълими ўн йиллик Дастури» юзасидан адабиёт ва санъат соҳасида ўтказилган Халқаро танловида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-мактаб 7-синф ўқувчиси Севинч Норқобилова адабиёт йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

Мазкур халқаро танловда 150 дан зиёд мамлакатнинг ёш вакиллари иштирок этди. Банкок шаҳрида ўтказилган якунловчи босқичда Севинчнинг «Тараққиёт» деб номланган шеъри — олий ўринга лойиқ деб баҳоланди.

Кеча Севинч ўқиётган 17-мактабда халқаро танлов совриндорига ЮНЕСКО номидан ғолиблик дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбирда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов иштирок этиб, Севинч ва унинг устоз-мураббийларини ушбу улкан муваффақият билан қутлади.

— Дунёнинг шунча давлатлари ичида адабиёт йўналиши бўйича ўзбекистонлик қизимизнинг ғолиб бўлиши жуда қувонарли ҳол. Бу Ўзбекистоннинг обрўсини янада юксалтиради. Бундан ташқари буюк маданият бешиги ва не-не алломаларни ўз бағрида улғайтган Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейин ўзининг бетимсол имкониятларини қайтадан намоён этаётганидан далолат бу, — деди у.

Биз ҳам халқаро танлов ғолибини чин кўнгилдан қутлаймиз. Она-Ўзбекистон фахри бўлиб, адабиётимиз довруғини янада юксалтиришига тилакдошмиз!

**(Ўз мухбиримиз)**




**● Умид ғунчалари**

# ТАРАҚҚИЁТ

*Тараққиёт нима? Ҳар кун, ҳар соат*
*Жаҳон айвонида турмоқ муносиб,*
*Минг чақирим йўлни балки лаҳзада*
*Ҳаво кемасида ўтмоқлик босиб...*

*Тараққиёт нима? Ҳиссиётларни,*
*Балки емиради фан тўфонлари...*
*Ҳар қайси миллатда бўлиши мумкин*
*Автомашиналар, қўл телефонлари.*

*Тараққиёт нима? Балки ҳар уйда*
*Қуёш ликопчалар турар нур сочиб.*
*Балки олислардан саҳроларимга*
*Шимол дарёлари келар йўл очиб...*

*Робот чой дамлайди. Компьютер ишлар,*
*Тараққиёт шудир, санай қай бирин?!*
*Дунёда шаҳар йўқ — учмай қолмайди*
*Ўзбеклар юртидан ҳаво лайнери...*

*Тарихи дунёни титратган ўзбек,*
*Не улуғ зотларга бешик бу ўлка...*
*Қайси бир асрда яшасанг ҳамки,*
*Сенга таъзим қилиб турар ЮНЕСКО.*

*Тараққиёт шудир — олам ягона,*
*Дунё тан олмагай сим сарҳадларни.*
*Ер шари қайтадан қуролмас лекин*
*Хива, Бухорою Самарқандларни.*

*Тараққиёт балки глобал санъат,*
*Глобал куй-қўшиқ, роклар, хитоблар.*
*Менимча дунёни тараққиёт эмас,*
*Қутқариб қолади фақат китоблар.*

**Севинч НОРҚОБИЛОВА**

**● 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**

# ОИЛА ПСИХОГИГИЕНАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

***Психологиянинг тиббиётга қандай алоқаси бор? У оиладаги муҳитга қандай таъсир кўрсатади? Тошкент Педиатрия тиббиёт институти катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди Абдулла ЖОВЛИЕВ шу ҳақда фикр юритади.***

***— Ушбу масалада файласуфлар, психотерапевт ва психологлар турлича қарашларга эга бўлиб келган. Аммо, «руҳ» билан «тана»нинг чамбарчас боғлиқлиги, бошқача қилиб айтганда, психик жараёнлар билан организмнинг ўзаро жипслиги фалсафа билан тиббиётнинг асосий муаммоларидан биридир.***

Мазкур масала машҳур физиолог олимлар И. Сеченов ва И. Павлов ҳамда уларнинг шогирдлари асарларида ҳам асослаб берилган. Ҳаётда рўй берадиган турли ҳодисалар, қийинчилигу ташвишларнинг инсон саломатлигига таъсири ҳамда ижтимоий муҳитдаги бошқа кучли ҳаяжонлар юрак уриши билан боғлиқ. Юзнинг қизариши ёки оқариши албатта, қон томирларининг торайиши, кенгайиши туфайли содир бўлади. Бундай психик таъсирлар бош оғриғи, шунингдек танадаги бошқа функционал бузилишларни келтириб чиқариши мумкин. Организмдаги функционал бузилишларнинг олдини олишда психогигиена алоҳида ўрин эгаллайди. Ўз навбатида «психогигиена» нима деган савол туғилиши табиий. Психогигиена — махсус тадбирлар тизимидан ташкил топиб, уларнинг вазифаси кишининг психик соғломлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Ҳаёт қийинчиликлари, турли таъсирланиш ва зўриқишлар натижасида юрак инфарктлари ва мия инсультлари ҳамда унинг заминида пайдо бўлувчи гипертоник инқирозларнинг, қолаверса, алкоголизм, гиёҳвандликнинг олдини олишда алоҳида аҳамиятга эга. Ёш авлоднинг болаликданоқ жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши уларнинг соғлом ўсишини таъминлайди, асаб тизими касалликларининг олдини олиб, инсон руҳиятини мустаҳкамлайди.

Оила муҳитини соғломлаштиришда турмуш, оила ва жинсий ҳаёт психогигиенасини ўрганишнинг ўрни беқиёс. Чунки, оиладаги соғлом муҳитнинг барқарор бўлишида турмуш тарзидаги психогигиенани тўғри йўлга қўйилиши вояга етаётган ўспиринлар тарбиясини белгилаб беради. Шундай экан аввало, биз турмуш психогигиенаси ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлишимиз лозим.

Хўш турмуш психогигиенаси нима? Ижтимоий ҳаётда у қандай ўрин тутади?

Турмуш психогигиенаси деганда биринчи навбатда кишиларнинг турмушдаги ўзаро муносабатларига доир масалалар тушунилади. Ҳаётий жараёнда арзимаган муаммоларни ҳам рўкач қилиб жанжал чиқарадиган инсонлар томонидан содир этиладиган нохуш ҳодисалар туфайли инсонда сиқилиш ҳолати юзага келиб у марказий асаб тизими ҳамда юрак-қон-томир тизимига шикаст етказади.

Турмушдаги зарарли одатлар — оиладаги носоғлом муҳит, ичкиликбозлик, чекишга ружў қўйиш, гиёҳвандлик ва заҳарли таъсир этувчи моддаларга қарши кураш олиб бориш ижтимоий психогигиенанинг вазифаларидан биридир. Оилада ота-она ичкиликбозликка ружў қўйишган бўлса улардан туғилган бола ақли заиф ва ногирон бўлиши мумкинлиги илмий жиҳатдан исботланган. Бироқ, кейинги пайтларда оилада байрам ёки бирор муносабат билан дастурхонга спиртли ичимликлар қўйилиши одатий ҳолга айланди. Ачинарлиси дастурхон атрофида ўтирган ёш болалар катталарнинг спиртли ичимликлар билан тўлатилган қадаҳларни «чўқиштиришларига» тақлид қилишга уринадилар. Ахир халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бежиз айтилмаган. Ичкилик инсонни тубанлик сари етаклайди.

Шу ўринда оила қуришда эр-хотин ёшидаги фарқ ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам.

Никоҳдан ўтиш даврида, эр-хотинлар ёшидаги фарқ муҳимдир. Чунки ёш орасидаги тафовут қанча катта бўлса уларнинг дунёқараши ҳам турлича бўлади. Бу табиий жараёнда бўлажак эр-хотинлар бир-бирларининг феъл-атворларини тушунишлари керак. Ҳаётга жиддий муносабатда бўлмаслик кўплаб оилаларнинг бузилиб кетишига олиб келяпти. Никоҳдан ўтишга қарор қилган шахслар ўзи танлаган жуфтининг ирсиятини ҳам билишлари муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, шундай касалликлар борки, улар наслдан-наслга ўтиб, кейинчалик кўплаб оилаларнинг пароканда бўлишига сабаб бўлади. Жумладан, бунга «гемофилия», «дальтонизм», «фенилкетанурия» ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда оила қуриш арафасида турган ёш йигит-қизларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари йўлга қўйилган. Бу оилалар мустаҳкамлигини ва соғломлигини таъминлашга катта ёрдам беради.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Bobir ALIMOV**
**Turobjon JO`RAYEV**
**Feruz NAZIROV**
**Murodulla ABDULLAEV**
**Ulug`bek MUSTAFOYEV**
**Olim MURODOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Baxtiyor DO`SJONOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**Akbar JONUZOQOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Ma`murjon QIYOMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 1450
*7037 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 22.30
2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**

# ШИНАМ ВА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУИ

## жондорлик болалар ихтиёрига берилди

Дарвоқе, туманда болалар спортини ривожлантириш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бунинг далили — яқиндагина туманнинг «Жамият» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фойдаланишга топширилган «Истиқлол» спорт мажмуидир.

— Бу ерда ёшлар спортнинг 14 тури билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими раиси Ботир Жўраев.

**Даврон БАҲРОНОВ**

# «POYTAXT AUKSION»

## ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

*Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари савдодан олинганлигини маълум қилади.*

| Объект манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Қуриладиган мажмуа тури |
|---|---|---|
| **Бектемир тумани** | | |
| Соловьев кўчасида — олтита, ҳар бири 0,02 га.дан | 4 074 268 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Ҳ.Бойқаро кўчасида, 0,02 га. | 30 754 268 | Автомобиллар ювиш шохобчаси |
| Лойиҳадаги Г-40,0 м (Ж.Астанов) кўчасида, 0,40 га. | 100 913 468 | Суюлтирилган газ ёнилғи қуйиш шохобчаси |
| Оҳангарон шоҳкўчаси, «Сувчи» даҳасида, 0,03 га. | 5 132 268 | Савдо мажмуаси |
| «Сувчи» даҳасида — иккита, ҳар бири 0,05 га.дан | 4 276 890 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Соловьёв кўчасида, 0,015 га. | 3 027 324 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| **Миробод тумани** | | |
| Тошхўжаев кўчасида, 0,02 га. | 2 561 600 | Минимаркет |
| Бехтерев кўчасида, 0,045 га. | 30 203 268 | Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларни кўчириш шарти билан) |
| «Қўйлиқ» даҳаси, 2-мавзеда, 0,20 га. | 22 796 268 | Тўйхона ва гузар |
| Янгизамон кўчасида, 0,02 га. | 3 588 968 | Дўкон ҳамда офис (мавжуд томорқа ва муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан) |
| **Сергели тумани** | | |
| Чоштепа кўчасида — саккизта, ҳар бири 0,009 га. дан | 1 499 265 | Ҳунармандлар растаси |
| Спутник даҳаси, 10-мавзе, Смоленск кўчасида, 0,08 га. | 4 376 268 | Икки қаватли ошхона ва чойхона |
| Жанубий саноат ҳудудида, 0,09 га. | 8 907 324 | Савдо ва овқатланиш мажмуалари |
| Файзли кўчасида, 1-сон ер участкаси, 0,01 га. | 3 053 574 | Савдо, маиший хизмат ва умумовқатланиш мажмуаси |
| Файзли кўчасида, 2-сон ер участкаси, 0,01 га. | 3 053 574 | |
| Массон кўчасида, 0,01 га. | 2 586 324 | Ошхона |
| Лойиҳадаги Г-64,0 кўчасида, 0,02 га. | 7 157 324 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| **Юнусобод тумани** | | |
| Мойқўрғон ва Тикланиш кўчалари кесишувида, 0,03 га. | 2 506 470 | Дўкон |
| **Ҳамза тумани** | | |
| Қорасув тор кўчасида, 0,08 га. | 18 105 324 | Ишлаб чиқариш корхонаси |


**● Интер-спорт**

# «ҚИЗ» ТУШМАГУР ЙИГИТ ЭКАН

*Йирик халқаро спорт анжуманларида турли тасодифлар бўлиб туриши табиий. Доха шаҳрида бир неча кун давом этган Осиё ўйинларида эса ҳеч ким кутмаган воқеа юз берди. Маълум бўлишича, 9 декабрь куни енгил атлетикачи қизларнинг саккиз юз метрга югуришида маррага 2 дақиқа, 3,16 сонияда етиб келган ҳинд спортчиси Санти Сундаражан эркак экан. Гап шундаки, қиз болалар сафида югурган Санти қонини допинг учун анализга текшириб кўрилганда шубҳа пайдо бўлган. Кейин унинг жинсини текширишга тўғри келган. Қарабсизки, мусобақада кумуш медални қўлга киритаман деган бу спортчи йигит бўлиб чиққан.*



*Осиё олимпия қўмитаси Сантини кумуш медалидан маҳрум қилишга қарор қилди. Ҳиндистон олимпия қўмитаси ҳам бу қарорни тасдиқлаб, кумуш медални қайтариб беришга рози бўлди. Шундай қилиб югуриш бўйича кумуш медал қозоғистонлик Виктория Яковлевага, бронза эса ўзбекистонлик Замира Амировага насиб этди.*

# «БРИЛЛИАНТ ТЎП» СОҲИБИ

*Яқинда Цюрих шаҳрида ФИФА йўналиши бўйича бу йилги мавсумнинг энг моҳир футболчиси деб Италия терма жамоаси сардори Фабио Каннаваро тан олинди. 33 баҳорни қаршилаган бу футболчи «Бриллиант тўп» мукофоти соҳиби бўлди. Бу футболчига ноябрь ойида Европанинг энг яхши ўйинчиси сифатида «Олтин тўп» тақдим этилган эди. Қизиғи шундаки, Фабио овоз олишда ҳаммадан ўзиб кетди. Унга 498 та овоз берилган. Зидан 454, Роналдиньо 380 та овоз билан қолган ўринларни эгаллашди.*

# ЗИДАН «ҲУНАРИ»НИ ТАКРОРЛАБ




*«Eurosport» спорт канали ходимлари Италия чемпионати иштирокчилари — «Интер» ва «Мессин» жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувни қайта кўриш чоғида ҳимоячи Марко Матераццининг рақиби жамоа ҳимоячиси Марко Зоро кўксига калла қўйганини кўриб қолишди. Бу футболчини мухлислар яхши билишади. У Германияда якунланган жаҳон чемпионати финалида Зидан томонидан худди шундай зарба олган эди. Бу гал эса Марко Зиданнинг «ҳунари»ни такрорламоқчи бўлдими, «Мессин» ҳимоячиси Марко Зоро кўксига калла қўйиб юборди. Орадан кўп ўтмай Матерацци «Мессин» бош мураббийи Бруно Жордано билан ҳам жанжаллашиб қолди. Оқибатда Матерацци ҳакам тарафидан сариқ карточка билан жазоланди. Ўйиннинг 49-дақиқасида Марко бош билан дарвозага йўллаган тўп оқибатида «Интер» (2:0) ҳисобида ғалабага эришди.*

# ТАЙСОН МОСКВАГА ЯНА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ



*Россиялик бокс ишлари тадбиркори Владимир Хрюнов Москвада оғир вазнлик Олег Маскаев билан Питер Океллo жангини уюштирган эди. Маълум бўлишича Владимир ана шу бокс байрамида афсонавий Майк Тайсонни кўргазмали чиқишга таклиф қилган экан. Лекин Тайсон бир ойдан кейин Хитойда ўзининг «Mike Tysons World Tour» шоусида иштирок этиши туфайли Москвага келолмаслигини маълум қилган. Шунга қарамай Тайсоннинг Россия пойтахтига келаси йилнинг июнь ойида келиши мумкинлиги кутилмоқда. Эслатамиз Тайсон профессионал рингда ўзининг сўнгги жангини ўтган йили 11 июнда унчалик танилган бўлмаган ирландиялик Кевин Макбрайд билан ўтказиб техник нокаутга учраган эди.*

*П. Ф. Боровский номидаги Тошкент шаҳар тиббиёт билим юрти томонидан 1991 йилда Юлдашева Шохида Садриддиновна номига акушерлик ихтисослиги бўйича берилган НТ-I № 269980 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли*
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎзР ФА Физиология ва биофизика институти жамоаси лаборатория мудири, биология фанлари доктори, профессор Эркин Маҳмудовга ўғли
**Рустам МАҲМУДОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.